ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 16 август № 32 (209) ● Сотувда нархи эркин

САРҲИСОБ

«Ўзбектелеком» концерни Кенгашининг биринчи ярим йиллик иш якунлари бўйича йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни концерн раиси Т. М. Бикметов очди ва ярим йилликда қилинган ишлар хусусида маъруза қилди.

Биринчи ярим йилликда режалаштирилган ишлар асосан бажарилди, айни чоғда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди.

Бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар туфайли баъзи жойларда ташкилотлар ва аҳоли радио ҳамда телефон хизматларидан фойдаланганлик учун тўловларни тўлай олишмаяпти. Шу сабабли концерн корхоналарининг дебиторлик қарзлари асосий муаммолардан бирига айланди. Бу масалада корхоналарда олиб борилаётган иш қониқарли эмас.

Йилнинг биринчи чорагида дебиторлик қарзларини камайтириш, дебиторлар билан иш олиб бориш мақсадида корхона ва корхона бўлинмаларининг иш юритиш тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар тузилиб, маркетинг хизматларини жорий қилиш ҳақида буйруқ чиқарилди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғида ташкил этилган маркетинг хизмати ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар беряпти. Шаҳар миқёсида ўтказилган мантўрларнинг ҳудудлараро кўрик-танлови алоқа сифатини яхшилаш йўлида олдинга қўйилган бир қадам бўлди.

Аммо жорий қилинган маркетинг хизматларининг барчаси ҳақида бу сўзларни айтиш қийин. Маркетинг хизматлари айрим жойларда етарли даражада самарали ишламаяпти, баъзи вилоятларда эса бундай хизматлар ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Маърузачи молиявий масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Баланс ҳисоботини тайёрлаш ва топшириш энг масъулиятли жараёнлардан биридир. Чунки айнан шу жараёнда хўжалик юритишдаги камчилик ва нуқсонлар яққол кўзга ташланади. Корхона раҳбари бунда шахсан қатнашиши, уни тушуниб етиши зарур. Раҳбарлар молиявий-иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи ходимларга нисбатан талабчанликни кучайтиришлари лозим.

Ўзбекистон Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) шиша толали алоқа кабель магистрали лойиҳасини тузиш ва қуриш ишларининг иштирокчиларидан бири бўлиб, бу тадбир давлат миқёсидаги аҳамиятга молик масаладир. ТОЕ магистрали республикамизни жаҳон телекоммуникация тармоқлари билан боғлайди.

Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш Миллий дастурини амалга ошириш учун концерн фаолиятининг йўналиши чет эл инвесторлари билан қўшма корхоналар тузиш, алоқа тармоқларининг техник воситаларини рақамли тизимларга ўтказишни талаб даражасига келтириш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган тармоқларни яратишга қаратилгандир.

Кенгаш йиғилишида концерн раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққанлар Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) шиша толали алоқа кабель магистрали лойиҳасини яратиш ва қуришга маблағлар ажратилиши ҳақида гапириб, магистрал қурилишида иш сифатининг назорати кўчайтирилиши зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Корхоналарнинг молиявий аҳволи талаб даражасида эмаслиги, раҳбар, ҳисобчи ва иқтисодчиларнинг ўз вазифаларига масъулиятсиз муносабатда бўлганликлари сабабли айрим корхоналар бюджет тўловларини, концерннинг марказлаштирилган жамғармасига маблағлар ўтказишни ва ўзаро ҳисоб-китобни вақтида амалга оширмаяптилар. Андижон вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси (бошлиғи А. Ҳ. Қодиров, бош ҳисобчи А. Усмонов), Фарғона давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси (бошлиғи У. Б. Султонов, бош ҳисобчи Х. У. Иброҳимов), Жиззах давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси (бошлиғи Д. Ф. Ташанов, бош ҳисобчи У. Кенжаев), Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси (бошлиғи Ў. Т. Таженов, бош ҳисобчи У. А. Мамбетов), Сирдарё давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси (бошлиғи В. В. Хам, бош ҳисобчи О. Ф. Артюшения) ана шулар жумласига киради.

Дебиторлик қарзларини камайтириш корхоналар учун долзарб масалалардан бири бўлганлиги сабабли корхона раҳбарлари бу борада ўзлари ўтказган, режалаштирган тадбирлари, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Бу ишга маҳаллий ҳокимликларни, оммавий ахборот воситаларини жалб этиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

«Ўзбектелеком» концернида давр талабидан келиб чиқиб, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати кўрсатиш бўйича «Бўстон» кичик корхонаси, маҳаллий телефон алоқа тармоғини замонавийлаштириш бўйича «Чирком» кичик корхонаси, Миллий уяли алоқа тизимини яратиш борасида «ЎЗМАКОМ» қўшма корхонаси тузилди, бир қанча қўшма корхоналар ташкил этилиш арафасида.

Ҳозирги вақтнинг ўзида Тошкент таксофон алоқа боғламаси ва Сирдарё вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси очиқ турдаги Ҳиссадорлик Жамиятига айлантирилган. Жорий йилнинг 3-чорагида яна 8 та корхонани давлат тасарруфидан чиқарилиши режалаштирилган, шунинг учун корхоналарни Ҳиссадорлик Жамиятига айлантириш тажрибасини иқтисодий ва ҳуқуқий томонидан атрофлича ўрганиб чиқиш эҳтиёжи туғилди.

Сирдарё вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи В. В. Хам корхонани Ҳиссадорлик Жамиятига айлантиришда ҳал этишга тўғри келган муаммолар ҳақида сўзлаб берди. У ўз тажрибаси ҳақида сўз юритаркан, корхонанинг давлат тасарруфидан чиқарилиши у ерда фаолият кўрсатаётган ходимлардан ўз ишларига масъулият билан ёндошишни талаб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

«Ўзбектелеком» концерни Кенгаши камчиликларни бартараф қилиш, корхоналарнинг дебиторлик қарзларини камайтириш юзасидан топшириқларни маъқуллади.

Концерн Кенгаши Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) шиша толали алоқа кабель магистрали марказлаштирилган жамғармасига маблағлар ўтказиш ва 1996-1997 йил кузги-қишки мавсумига тайёргарликнинг бориши тўғрисида қарорлар қабул қилди.

«Ўзбектелеком» концернини холдинг компаниясига айлантириш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Корхоналарнинг раҳбарларига фаолиятлари узлуксиз ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар иш тажрибасини чуқур ўрганиш тавсия этилди.

И. ИСРОИЛОВ,
«Ўзбектелеком» концерни раисининг ўринбосари

ОЛАМДА НИМА ГАП?

❖ Янгиликлар ❖ Хабарлар ❖ Воқеалар

● Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг 5 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлисида бу санага кўрилаётган ҳозирлик атрофлича муҳокама этилди.

● Матбуотда «Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июль ойидаги бажарилиш якунлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

● Тошкентда Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

● Америка Қўшма Штатларидан хушхабар келди: хорижлик ҳамкорларга жўнатилган Наманган пахтасининг сифати аъло баҳоланди.

● «Ўзавтохизмат» акционерлик жамияти 10 августдан бошлаб «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Дамас», «Нексия» автомобилларини оммавий сота бошлади.

● Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» стадионида 1979 йилда авиация ҳалокати натижасида ҳалок бўлган пахтакорчилар хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.

● Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида 1992 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаётган Марказий Осиё давлатлари координацион сув хўжалиги комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

● Сўнгги хабарларга қараганда Россия федерал қўшинлари ниҳоят Грозний марказини эгаллашга муваффақ бўлганлар. Шиддатли жанглар оқибатида Грознийда федерал кучлардан 169 киши ҳалок бўлган, 618 киши жароҳатланган.

● Пекинда «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди.

● Испанияда рўй берган кучли сув тошқини оқибатида 83 киши ҳалок бўлган.

● Машҳур болгар афсунгари Ванга 84 ёшида рак касалидан вафот этди.

ЯНГИ ТЕЛЕСТУДИЯ

Жиззахда вилоят телестудияси очилди. Бу оталиқ ёрдами кўрсатаётган республика телерадиокомпанияси, вилоят ҳокимлиги ва ҳомийлар саъй-ҳаракатининг натижаси бўлди. Телестудия ҳафтада бир соат эфирга чиқади. Унинг кўрсатувларини қўшни Сирдарё, Самарқанд вилоятлари, шунингдек, жанубий Қозоғистоннинг аҳолиси ҳам томоша қилиши мумкин.

(ЎзА)

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАДА

Республикамизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Андижон шаҳар электралоқа корхонасида ҳам хотин-қизларга алоҳида имтиёзлар берилган. Мухбиримиз оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича Андижон шаҳар электралоқа боғламаси (ШЭАБ) хотин-қизлар қўмитасининг раиси Гулнорахон НУРИДДИНОВА билан суҳбатлашди.

— Гулнора Насриддиновна, Андижон ШЭАБда хотин-қизлар қўмитасининг фаолияти тўғрисида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Корхонамизда аёллар билан ишлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича кўпгина ишлар қилинмоқда. Бироқ яқин давргача талайгина ишлар асосан касаба уюшмаси қўмитасининг фаолияти доирасида амалга ошириб келинди. Ҳозирги кунда ҳукуматимизнинг «Соғлом авлод»ни тарбиялаб, вояга етказиш борасидаги тадбирлари корхонамизда алоҳида хотин-қизлар қўмитаси тузиш зарурлигини тақозо этди. Жорий йилнинг май ойида маҳаллий ҳокимликларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида корхонамизда хотин-қизлар қўмитасини ташкил этдик.

— Корхонада иқтисодчи вазифасида фаолият кўрсатиб келяпсиз. Айтингчи, зиммангиздаги бир қатор вазифалар бир-бирига халақит бермайдими?

— Эсимни танибманки, одамлар ичидаман. Муҳандислик, бўлим ва цех бошлиғи вазифаларида ишладим, касаба уюшма қўмитаси аъзоси, бошқа жамоатчилик ишлари...Хуллас, корхонамиздаги ишчи-хизматчиларнинг кўпчилиги билан қарийб 20 йилдан бери ҳамнафас бўлиб ишлаб келяпман. Иқтисодчилик иши бевосита корхонамиз ишчи-хизматчиларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу ишларни бир-биридан ажратиб, алоҳида тасаввур қилолмайман. Аввало аёлларимизнинг ташвиши корхонамизнинг муаммоси ҳамдир. Ўзим аёл киши ва она бўлганлигим учун ҳам аёллар муаммосини юракдан ҳис қиламан, иқтисодчи сифатида ҳар қандай масаланинг ечимини топишга ҳаракат қиламан.

Андижон ШЭАБ жамоасида ҳозир 675 киши меҳнат қилмоқда, шундан 323 таси аёллардир. Шаҳарда умумий сиғими 33 мингдан зиёд тўртта АТС, шаҳарлараро телефон станцияси, телеграф ишламоқда. Ҳозир 4-АТС ва АМТСда Жанубий Корея жиҳозлари созлаб, тахт қилиб қўйилди. Биринчи ярим йилликда даромадимиз 630 миллион сўмни, соф фойдамиз 8,8 миллион сўмни, ўртача маошимиз 1500 сўмни ташкил этди. Албатта, иқтисод бўлимимиз барча ишчи-хизматчиларнинг иш натижаларини ҳисоблайди, режа уддаланишига қараб мукофотлар белгилайди, зарур харажатларнинг сарфланишини назорат қилади.

Раҳмонжон УЗОҚОВ суҳбатлашди, Андижон вилояти



Рауза ҲАБИБОВА Чирчиқдаги декадали одимлаб ишловчи кўҳна 6-АТСда катта электромеханик вазифасида меҳнат қилади. 4000 мижозга мўлжалланган, 1958 йили ишга туширилган мазкур АТСда Р. ҲАБИБОВА ўз ишининг устаси сифатида ҳурмат қозонган.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ИНСОН УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ

Республика ижтимоий ҳаётида алоқа хизмати муҳим ўрин эгаллайди. Узоқни яқин қилувчи, дилларни бир-бирига боғловчи, зиё тарқатувчи ҳам шу касб соҳиблари саналади. Шу боис ўз ишимиздан фахрлансак, уни ардоқласак арзийди.

Почта алоқа ходимлари ҳамма вақт матбуотчилар билан ҳамкор бўлиб келадилар. Чунки журналистнинг қалб қўри, кўз нури бахшида этилган газета-журналларни ўз ўқувчилари қўлига вақтида етказиб бериш уларнинг зиммасида. Тўғри, кейинги вақтларда матбуот нашрларига обуна камайиб кетди. Бунинг сабаби нашрлар обуна нархининг қимматлашуви, бозор иқтисодиёти мураккабликлари билан боғлиқдир. Шундай бўлсада, чекка қишлоқларда ҳам алоқа бўлимлари ишлаяпти, одамларга хизмат кўрсатяпти.

Бизнинг Ғаллаорол почта алоқа боғламаси ходимлари ҳам Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Ҳозирги кунда 27 та жойда алоқа бўлимларимиз мунтазам ишлаб турибди. Ана шу жойларга ҳар ойда 13 минг 385 та газета, 1000 дан ошиқ журнал ва хат-хабарлар етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, нафақа пуллари ҳам алоқачиларимиз орқали етказиб берилади.

Тўғри, бу ишлар бизнинг вазифамиз, лекин хизмат кўрсатаётган нафақа олувчининг бир оғиз «раҳмат»ини эшитганингда кўнглинг яйраб, чарчоқларинг ёзилиб кетгандай бўлади. Ахир, эл дуосини олмоқ савоб, деб бекорга айтмаганлар.

Почта алоқа боғламамизда кўпчиликнинг дуосини олиб меҳнат қилаётган алоқачилар талайгина. Масалан, Қўйтош алоқа бўлимининг бошлиғи М. Ўсаров, Маржонбулоқ шаҳри, Гумсой ва Ғўбдин қишлоқларига хизмат кўрсатадиган Маржонбулоқ алоқа бўлимининг бошлиғи М. Мамедовалардан барча мижозлар хурсанд. Туман марказидан 100 километр узоқликда бўлган қишлоқлар, турар-жойлар бор. Ана шу жойларга матбуот нашрлари, нафақа пулларини 16 йилдан буён шу соҳада ишлаб келаётган тажрибали почта узатувчимиз Баҳром Нарзуллаев ўз вақтида етказиб бермоқда.

Маълумки, яқинда ҳукуматимиз пул эмиссиясини тартибга солиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Чунки нақд пул камлигидан иш ҳақлари, пенсия ва нафақалар вақтида берилмаяпти. Бизнинг асосий даромадимиз обунадан бўларди. Ҳозирги вақтда обунанинг озлиги туфайли даромадимиз камайиб кетди. Лекин қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Қўшимча даромад олиш мақсадида аҳолидан электр ва газдан фойдаланганликлари учун тўловларини алоқа бўлимлари орқали қабул қилишни йўлга қўйдик. Обунани йил бўйи давом эттириб келяпмиз. Айни пайтда келгуси йил учун матбуот нашрларига обуна қилиш ишларига тайёргарлик кўряпмиз.

Мавжуд қийинчиликларни енгиб келажакка умид қилиб ишлаяпмиз. Биз учун энг муҳими ҳам шу.

К. ЖУМАБОЕВА, Ғаллаорол туманн почта алоқа боғламасининг иқтисодчиси, Жиззах вилояти

ҲОЖАТБАРОР МАВЛУДАХОН

—08 ми, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг тез ёрдам бўлимидан чақиряпман.

— Эшитаман.

— Беморлардан тез-тез қўнғироқ бўлиб туради, телефонимиз ишламаяпти, тезда мантўр юборсангиз...

Бу каби қўнғироқлар Бувайда тумани электралоқа корхонасига қарашли тузатиш бюросига 01, 02, 03 ва 04 телефонларидан кутилмаган пайтда бўлиб туради. Бундай чақирув орқали бўлган буюртмаларни 08 хизматида Мавлудахон Камолитдинова тез ва ҳушёрлик билан қабул қилиб олади ва ўша чақирув бўлган ерга зудлик билан мантўр юборади.

Мавлудахон 1977 йили туман электралоқа корхонасига ишга келганда ўрта мактабни битирган ёшгина қизча эди. У тиришқоқлиги боис тез фурсатда 08 хизматининг моҳир мутахассиси бўлиб етишди. Мана, 19 йилдирки, Мавлудахон Камолитдинова сменасида бирор чақирув жавобсиз қолгани йўқ. У бешта участка ва тумандаги кўплаб жамоа хўжаликларининг телефон мантўрлари билан ҳамкорликда ишлаб мижозларнинг, корхона маъмуриятининг олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Туман электралоқа корхонаси бошлиғи Аҳмадали Камолов биз билан суҳбатда шундай дейди:

— Мавлудахон ишхонамиздан ўн чақирим нарида жойлашган Бештерак қишлоғида яшайди. Шунга қарамай, унинг бирор марта ишга кечикиб келганини билмаймиз. Катта оиланинг бекаси, ўз касбига меҳр қўйган Мавлудахон билан корхонамиз аҳли фахрланади.

Қ. ТУРСУНОВ, Фарғона вилояти

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Марипжон Дадабоев!

Сизни — касбига фидойи, ташкилотчи раҳбарни, меҳрибон ота ва самимий дўстни муборак 50 ёшингиз билан чин юракдан, астойдил табриклаймиз. Ушбу қутловга Сизни билган ва мамлакатимизнинг турли бурчакларида ишлаётган дўст-биродарларингиз, Сиз билан елкама-елка меҳнат қилаётган ҳамкасбларингиз ҳам қўшилиб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, тотувлик тилашади.



Сиз мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтдингиз. Умрингизнинг асосий қисми Республика халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлмиш алоқа тизими билан чамбарчас боғлиқ. Бутун куч ва маҳоратингиз, билим ва тажрибангизни соҳа ривожига сафарбар этдингиз.

Меҳнат фаолиятингизни бундан 33 йил муқаддам бошлаган эдингиз. 1965 йилдан алоқа тармоғида электромеханик, сўнгра Гулистон алоқа тармоғида магистрал қурилиш бўйича катта муҳандис ва Тошкент шаҳар телефон алоқа бошқармасида катта муҳандис, Чилонзор телефон алоқа тармоғи бошлиғи, Республика Алоқа вазирлиги капитал қурилиш бўлими бош мутахассиси вазифаларида сидқидилдан хизмат қилдингиз.

1991 йили Тошкент халқаро электралоқа маркази бошлигининг ўринбосари, 1994 йили шу марказ бошлиғи бўлдингиз. 1995 йилнинг октябридан бошлаб Миробод телефон алоқа боғламаси бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатмоқдасиз. Ҳозир боғлама бўлимларида тартиб-интизом ва молиявий аҳвол кескин яхшиланганлиги бевосита сизнинг тажрибангиз ва саъй-ҳаракатларингиз натижасидир. Ҳалол ва самарали меҳнатингиз ҳукуматимиз ҳамда вазирлик раҳбарияти томонидан муносиб тақдирлаб келинмоқда.

Марипжон Қодиржонович! Сиз нафақат тадбиркор раҳбар, балки қобил фарзанд, ажойиб оила бошлиғи, садоқатли умр йўлдоши, меҳрибон ота ҳамсиз. Волидангиз 80 ёшли Моҳижамол ая камолингиздан миннатдор. Турмуш ўртоғингиз Тамара Искандаровна чорак асрдан буён ташвишу қувончларингизга шерик. Қизларингиз Маликахон, Раънохон ва Шаҳлохон оилага муносиб фарзандлар бўлиб улғайишмоқда.

Сизни қутлуғ 50 ёш билан муборакбод этар эканмиз, ҳамкасбларингиз, оила аъзоларингиз, барча дўст-биродарларингиз даврасида азизу мукаррам бўлиб юришингизни ният қиламиз.

ҲАМКАСБЛАРИНГИЗ

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАР

АҲМАД ПОЛВОН КЕЧМИШИДАН ЛАВҲАЛАР

Тошкентда Аҳмад полвон деган ўтган экан. Мен у киши ҳақидаги одамлардан эшитганим узуқ-юлуқ воқеаларни жамлаяпман.

Умрида бир марта ҳам кураги ерга тегмаган бу одам ҳеч қачон машқ қилмаган, унга куч-қувватни Худо ато этган дейишади. Ўзи Чилонзорда яшаб, эски шаҳардаги каппон бозорида каллафурушлик қиладиган полвоннинг иккита оти бўлган экан. Чунки битта от у кишини богидан бозорга, бозордан богига чарчамасдан етказиб қўёлмас экан. Уларни йўлда, Камолон даҳасида алмаштирар экан.

Бир куни бозорда қоп устида ўтирганида қандайдир полвон келбатлик қозоқ киши келиб саломлашибди-да.

— Менга Аҳмад полвон керак, дебди.

— Нега керак? — деб сўрабди мезбон.

— У билан курашмоқчиман.

— Мен уни танимаган, — дебди Аҳмад полвон. — Сени у киши билан учраштириб қўяман. Қани, мени қўлимдан олиб тургазиб қўй.

Меҳмон Аҳмад полвонни қўлидан тутиб роса тортибдию, ўрнидан қўзғата олмабди.

— Бўлди, бўлди, танидим, Аҳмад полвон дегани ўзинг экансан, — дебди қозоқ полвон. — Тавба қилдим, сен билан курашмайман.

... Кураги ерга тегмаган Аҳмад полвоннинг таърифини эшитган бир ўрис полвони у билан белдашгани Тошкентга келибди. Ўзига ишонганидан келибди-да. Чунки унинг ҳам кураги ерга тегмаган экан. У Аҳмад полвондан енгилибдию, аламига чидолмай ўзини отиб ўлдирибди.

Бироқ ҳеч кимдан йиқилмаган ўша машҳур Аҳмад полвон бир куни оддий одамлардан енгилибди. Нима бало бўлибдию, бир тўда маст-аласт йигитлар каппон бозорида полвонни оломон қилиб уришибди. Полвон уларнинг биортасига ҳам қўл кўтармай, ўзини ҳимоя қила-қила қочиб қолибди. Аъзойи бадани калтагу тошбўрон зарбидан моматалоқ бўлиб кетган машҳур полвон бир неча кун уйидан чиқолмай ётибди. Уни кўргани келган жияни ҳайрон бўлибди.

— Тоға, ахир ўзингиз полвон бўлатуриб қаёқдаги шум болалардан калтак едингизми?—дебди у. — Нега урмадингиз уларни?

Шунда Аҳмад полвон нима дебди денг:

— Э жиян, менинг қўлим уларга текканидан кўра тошга тегсин. Уларни урсам полвон деган номимга иснод бўлади-ку. Мен полвонман. Фақат полвон билан беллашаман. Мени танимай урган у йигитлар полвон эмас. Урсам ё ўлдириб қўяман, ё майиб қиламан. Балки улардан бирортаси полвон бўлиб етишар, менинг ўрнимни босар. Ўшанақасини уриб ўлдириб қўйсам ўзимни ўлдирган бўлардим.

Ҳақиқий полвонлар ана шундай мард бўлган экан.

ПОЛВОННИНГ ОДОБИ

Бу машҳур қозоқ полвони Ҳожи Муқон ҳаётидан бир лавҳа:

У киши бир вақтлар рус полвони Иван Поддубнийга шогирд тушиб, таълим олган экан. Машқ пайтларидан бири Поддубний шогирдини синамоқчи бўлибди:

— Кел, Ҳожи, иккаламиз бир курашайлик, — дебди.

Ҳожи Муқон бошини сараксарак қилиб:

— Йўқ, устоз, — дебди. Сиз устоз, мен шогирд. Устоз билан шогирд курашга тушмайди. Уят бўлади.

Мана бу чинакам шарқона одоб. Бунақа полвонни оддий полвон эмас, балки ҳақиқий паҳлавон деса бўлади. Чунки унда ҳам куч-қувват, ҳам ақлу одоб, ҳам фаросат мужассам эди.

ЎЗИМИЗНИНГ ТЎЛАН ПОЛВОН

Тўланбой Қурбонбой ўғлининг ўзи ҳам, шогирдлари ҳам чекиш, ичиш нималигини билмайди. Лекин меҳмонларни ҳаддан зиёд сийлайди. Бир куни Жеребцов деган паҳлавон Русиядан Тошкентга келганида Тўлан полвон уни зиёфатга чорлабди. Фаргонача қўлбола ош қилиб, дастурхонга турфа нознеъматлар қатори шайтон сувароқни ҳам қўйибди. «Меҳмоним ўрис-ку, хойнаҳой ичса керак», — деб ўйлагандир-да.

— Ия, Тўлан, бу нима? — дебди меҳмон.

— Ароқ, — дебди мезбон.

— Ия, сен ароқ ичасанми? — дебди меҳмон.

— Йўқ, умримда ичган эмасман. Сиз ичарсиз деб ўйлаган эдим.

— Ия, полвон ҳам ичадими? Йўқот буни, бунинг ўрнига қатиқ олиб кел, — деган экан машҳур паҳлавон Жеребцов.

Қиссадан ҳисса шуким, ароқ деган касофатдан паҳлавонлар ҳам жирканишган.



Бу асрий орзудир, армонли сўроқ,
У асли кўксингни куйдирган фироқ.

Бахт ўша—яратган туҳфаси сийрат,
Бахт ўша—қўлингда қулган чақалоқ.

ҲАЁТНИНГ БОШИ ҚУЁШ...

Ўз манфаатини кўзлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Ҳақиқий инсонийлик кўпроқ атрофдагиларнинг, кўпчиликнинг манфаатини ҳам ўйлаб иш тутиш билан ўлчанади. Миллатпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик каби юксак инсоний фазилатлар худди шу нуқтадан бошланади...

* * *

Таассуфлар бўлсинки, ақл ва билимни яхшилик йўлида ҳам, ёмонлик йўлида ҳам ишлатиш мумкин. Ҳақиқий зиёли шу билан фарқланадики, у ақл-идрокини, бутун билимини эзгулик ва хайрли ишларга бағишлайди.

* * *

Ҳақиқий билимдон киши одатда камтар, хокисор бўлади. Чунки, у бу дунёда ўзи билмаган сиру-асрорларнинг беҳад кўплигини чуқур тушунади.

* * *

Эътиқод кишига қайнар булоқ мисол куч-қувват ато этади. Ишинг юришган кезларда янги марраларни эгаллашингга кўмаклашади, муваффақиятсизликка учраганингда, тўсиқ-говларга дуч келганингда мадор ва таянч бўлади. У сени турли фисқу-фасодлардан ҳимоя қилади.

* * *

Нутқ маданияти, сўзни ўз ўрнида ва топиб ишлата билиш инсон қалби, ақл-заковатининг кўзгусидир.

* * *

Табиатга яқинликда ҳикмат кўп. Бу кишига унинг замин фарзанди эканлигини ва ҳаёт фалсафасини теран тушунишга кўмаклашади.

Ниш урган куртак, сабза бўлган майса кўнгилга таскин ва ором беради, шуурингни ёритади. Ям-яшил муҳит, турфа ранг гуллар руҳингга кўтаринкилик ва илҳом бағишлайди. Бундай илоҳий дамларда фавқулодда бир туйғу туфайли ҳаётнинг боши Қуёш эканини, Ер тафтини, илдизинг заминдалигини бутун вужудинг билан илғаб қоласан.

Куз фаслида эса олтин ва қирмизи ранглар, ювилган шишадек тоза ҳаво руҳингга сокин бир наво олиб киради. Оёқларинг остида сочилиб ётган ва чирт-чирт узилаётган баргларни кўриб, «Қандай савобли ва хайрли ишлар қилишга улгурдим, нималарни қилишга улгурмай қолдим худди барг мисол» дея ўйга толасан...

* * *

Гулдонда чўғдай ёниб турган гул кўзни қувонтиради, дилни эркалайди. Бироқ, гулни экиш, уни авайлаб парвариш қилиш гунчалаши ва очилишининг шоҳиди бўлиш кишига юз чандон зиёдроқ завқ беради. Ижодий иш ўзи шунақа... Унинг нафақат сен орзиқиб кутган маҳсули, ижодий меҳнат жараёнининг ўзи ҳам қалбингга олам-олам ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Неъматулла ЮНУСОВ,
Тошкент электротехника Алоқа институти доценти

Шаҳар газеталаридан бирида муҳаррир бўлиб ишлайдиган Марк Твен бир куни ўзидан адамзада бўлган қимсадан «чўчқа» деган битта сўздан иборат хат олади. Кейинги куни газетада мактубга шундай жавоб қилинди: «Биз кўпинча имзосиз хатлар олардик, аммо кеча фақат имзонинг ўзини олдик...»

* * *

Бир ўсмир Моцартдан симфония қандай ёзилади дея сўраб қолди.

— Сиз ҳали жуда ёшсиз. Яхшиси биллададан бошлай қолинг! - деб маслаҳат берди Моцарт.

Ўсмир эътироз билдирди:

— Ахир сиз ўн ёшингизда симфония ёзгансиз-ку!

— Тўғри, аммо мен уни қандай ёзиш ҳақида ҳеч кимдан сўрамаганман-да!

МАШҲУР ҚИШИЛАР ҲАЁТИДАН

* * *

Гёте Веймардаги истироҳатгоҳда сайр қилиб юрарди. Фақат бир киши ўта оладиган торгина йўлакда унинг асарларини кескин танқид қилган мунаққид рўбарў келиб, шундай дейди:

— Мен ҳеч қачон аҳмоқларга йўл бермайман!

— Мен эсам йўл бераман! -дея Гёте кулимсираб ўзини четга олди.

* * *

Ёши саксонга яқинлашиб қолган Гёте шахсий котиби билан сайр қилиб юрган эди. Шу маҳал кўчадан ўтиб бораётган соҳибжамол қизни кўрган буюк шоир чуқур хўрсиниб, ҳамроҳига деди:

— Эҳ, азизим Эккерман, қанийди шу тобда етмиш ёшда бўлиб қолсам!

* * *

Бир америкалик таниқли адиб дўстига кўнглини очиб, деди:

— Адабиёт билан ўн йил муттасил шуғулландим, ўн биринчи йилдагина менда ҳеч қандай истеъдод йўқлигини тушундим.

— Кейин ёзишни ташлаб юбординг-ми?

— Нималар деяпсан? Мен бу вақтга келиб анча машҳур бўлиб кетгандим!

ХОТИРАНГИЗ КУЧЛИМИ?

Олимларнинг фикрича, инсон мияси табиатнинг энг буюк инъоми ҳисобланаркан. Кишининг қариган сайин хотираси пасаяди, деган фикрлар ниҳоятда нисбийдир. Ҳар бир киши ўз ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларнинг камида 5 фоизини тиклашга қодир.

Баъзи инсонлар жуда мукаммал хотирага эга бўладилар. Мисол учун Элия Гаон деган киши 2500 жилд асарни ёддан билган ва хоҳлаган пайтда хоҳлаган сатрини айтиб бера олган. Шунга ўхшаш Эрон шоҳи Кир ҳам ўзининг 30 минг аскарларини номманом билган.

Хотиранинг ёмон ишлашига инсоннинг ўзи сабабчи экан. Яъни бир кунлик чекиш ўқиш қобилиятини 4,4, кузатувчанликни 7, ҳаракат қобилиятини 1, хотирани эса 5,5 фоизга пасайтирар экан. Инсон хотирасининг асосий кушандаси уни фаол ишлатмаслик, яъни ақлий дангасалик дейишади руҳшуносlar.

Масъулияти чекланган «ССТ» жамияти ўз иш фаолияти тўхтатилганлигини маълум қилади.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ, ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Саид СИДДИҚОВ, Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳаррирятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0472. 7863 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА 19

I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА! Профилактика муносабати билан 19 август куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Тошкент. Янги шаҳар». «Орол — менинг тақдирим». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
18.40 «Фақат қизлар учун».
18.55 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мусиқа ҳиёбони».
21.30 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.55 «Бу оқшом...»
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Эҳранда — Қашқадарё вилояти.
00.25 — Тунги тароналар.
00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.10 «Услуб» (мода янгиликлари).
19.20 Клип-антракт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 «Прайм-тайм».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт қитъаси».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Хафтанома».

*

8.30 Эстрада тароналари.
9.05 «Жараён». Публицистик кўрсатув.
9.35 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо давра-сида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Ҳаммаси маҳалладан бошланади. «Маҳалла — эзгулик бешиги».
10.40 «Нафолет қаерда?». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 «Бир том остида». Мультфильм.
12.50 «Чандунинг саргузаштлари». Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг спектакли.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Афшона — Ибн Сино ватани». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40

*

20.40 Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Замин саховати». Паркент тумани меҳнаткашлари ҳақида ҳикоя.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Аёл».
20.35 «М-хабар».
20.50 Эълонлар.
20.50 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.35 Эълонлар.
21.40 «Тавба-тазарру». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
21.45 «Спорт-тайм».
22.15 IV канал таништиради: «Роҳила». Видеофильм.
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

***

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Наманган наволари». Мусиқий дастур.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Ғаройиб сайр». Мультфильм.
9.30 Болалар учун. «Қувноқ ёз — ўтмоқда соз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳамма обод бўлди...» Боборахим Машраб.
10.35 Инглиз тили.
11.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Улуғ кунлар».
11.40 «Сеҳрли мўйқалам».
12.00 «Нурли манзил сари». Публицистик кўрсатув.
12.30 ЎзТВ хазинасидан. Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Табиатшунослар клуби».
18.25 «Виждон». Телесериал.
19.10 «Спорт. Спорт.Спорт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур». Тележурнал.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Оҳанглардан тараланган меҳр».
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Мен Ватанни мадҳ этаман».
22.00 «Альманах-ТВ».
22.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Умид чечаклари».
22.50 «Замон».
23.00 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Пул ҳангомалари». Ҳажвий новелла.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфутум».
20.05 «Нафис маҳлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хризантемалар боғи». Катталар учун мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.10 — 20.35

*

20.35 «Мусиқа барча ёшдагилар учун». 1-кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.15 — 22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Зукко талаба». Иқтисодий билимдон талабалар танлови.
19.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дипкурьер».
21.20 «Дорихона эшитади...»
21.55 «16 ая». Немис тилида шарҳ.
22.25 «Тавба-тазарру». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
22.30 «Спорт-дайджест».
23.00 Эълонлар.
23.05 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Санъат дўстликка чорлайди». Сўғдиёна» халқ чолғу оркестри Германияда.
9.10 «Ишбилармон». Публицистик кўрсатув.
9.35 «Футбол майдонларида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Хазинамиз таянчи». Публицистик кўрсатув.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
11.40 «Бола бошидан...»
12.15 Мумтоз ашулалар.
12.45. ЎзТВ хазинасидан. Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
14.00— 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Мутаваккил Бурхонов». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
18.40 «Замон билан ҳамнафас».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.05 «Саёҳарамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Аёл қалби наволари». Мусиқий композиция.
21.50 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.05 «Автоолам».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Адашлар». Кинокўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Гиннес-шоу».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кадимий йўл». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.10 — 20.35

*

20.35 «Мусиқа барча ёшдагилар учун». 2-кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.15 — 22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Дунё ва болалар».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Маънавият сарчашмалари». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
20.05 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
20.10 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал (Англия).
21.00 «Тошкент оқшомида».
21.30 «Тавба-тазарру». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
21.35 «Шарқ тафаккури».
22.05 «IV канал эксклюзиви».
22.35 Эълонлар.



22.40 «Юлдузлар жилоси».
23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Дил тароналари». Мусиқий дастур.
9.05 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.20 «Қувноқлар даврасида». Булунгур туман «Лолача» болалар ансамбли.
9.40 Мирзачўл: кеча ва бугун. «Излари бўстон кишилар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.35 Маърифатнома. «Мавлуди шариф».
11.20 Ҳуқуқ сабоқлари. «Иқтисод ва ҳуқуқ».
11.50 «Уйинқаро болалар». Мультфильм.
12.00 Ғаниҳон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
12.30 ЎзТВ хазинасидан. Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.00 «Акциядор луғати».
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.20 «Омонлик тилаймиз!»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари». «Ўзбекистон ва жаҳон».
21.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.30 «Одобнома».
21.40 Дилнавоз садолар.
22.00 Олтин мерос. «Насриддин Бухорода». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10— 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли кўрсатув.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кўқон ёдгорликлари». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.10 — 20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ҳамшаҳарлар».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «02» тўлқинида.
21.15 «Эколот-коктейль».
21.45 «Компьютер-ревю».
22.10 «Тавба-тазарру». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
22.15 Эълонлар.
22.20 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кекса санъаткорлар».
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Хаттот хати — халқ бахти». Абдуқодир Муродов.
9.35 Болалар учун. «Оромгоҳлар қўйнида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф». Публицистик кўрсатув.
10.20 «Китоб ва ҳаёт». Тележурнал.
10.50 «Кўшиғим, жон кўшиғим».
11.25 «Ислоҳотларнинг амалий самараси».
11.50 «Фильм суратга олинди». Кинокўрсатув.
12.30 «Маърифат» видеоканали.
13.30 «Пойтахт концерт залларида».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Сохибқирон ижодкор нигоҳида». «Академик Ғани Мавлонов» «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
18.40 «Аудитория».
19.10 Бизнес ҳафта якунлари.
19.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.25 «Ривоят».
21.35 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.40 «Синфдош» кўрсатувининг махсус сони.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
22.40 «Масала».
23.00 «Хуш келибсиз».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Чиннакалар растаси».
18.40 «Бизнес-чиқ».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.50 — 23.50 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.15 — 20.35

*

20.35 Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Жума янгиликлари.
19.15 «Учқун».
19.45 Эълонлар.
19.50 «Билиб қўйган яхши».
20.15 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Монитор-Осиё».
21.10 «Бу бўстон аро...»
21.40 «Шарим — фахрим». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
22.10. «Коинот».
22.40 «Тавба-тазарру». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
22.45 «Мафтункор табиат».
23.05 Эълонлар.
23.10 Араб эстрадаси.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Аёл борки, олам мунаввар...». Публицистик кўрсатув.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

9.35 «Ёшлар билан...»
10.05 «Ҳангома».
10.25 «Ёшлар ва замон».
10.45 «Қувноқ стартлар».
11.25 «Шоҳруҳ» клуби.
11.55 «Ёшлар иҳоди». Баҳодир Пирматов ва Дилфуза Раҳимова.
12.25 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
13.05 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
13.45 Футбол. Осиё кубоги эгалари кубоги. «Навбахор» — «Жавия» (Бағдод, Ирок).
14.30 — 15.30 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Оҳанрабо».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.35 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Наврўз».

«Тунги ёзу». Дам олиш дастури:

22.40 «Мўъжиза».
22.50 «Имкон чўққилари».
23.00 Фотима Григ ғулсум она» фильмида.

II

9.00 «Мультдаста».
9.15 «Боланинг тили...»
9.25 «Табиат шифохонаси».
9.35 Дилором наволар.
9.45 «Таманно».
9.55 «Йўловчи ва транспорт».
10.00 «Сиздан ишорат...».
10.25 Видео янгиликлари.
10.45 — 12.25 Видео — «О».

***

18.00 Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.35 Телесериал. «Ноғизо ва нощукурлар» туркумидан (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 Дубляж.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.20 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.50 Видео — «О».

III

16.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
16.10 — 21.45

*

21.45 Эълонлар.
21.50 «Елкан, шамол ва биз». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30

*

22.30 — 22.45 «Ўзбекистон бойлиги». Телефильм.

IV

«Чинор» видеоканали:

10.00 «Замандас».
10.30 «Безнен мирас».
11.00 Эълонлар.
11.05 «Сахий хонадонда».
11.35 «Савол-жавоб».
12.05 — 12.35 Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг камер оркестри ижро этади.

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.20 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.25 «Спорт-дайджест»
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тақдирлар».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Эҳдалик учун дастхат».
22.00 «Тавба-тазарру». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
22.05 Кинонинг олтин асри. Жан Марэ «Капитан» фильмида.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.40 «Бугун — Шахтёрлар куни». Кўрсатув ва концерт.
12.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 5-кўй.
13.50 «Мультипанорама».
14.10 «Ислоҳот истиқболлари». «Ўзгаэлойиҳа» жамоасининг меҳнат фаолияти ҳақида.
14.30 — 15.30 «Нурли келажак». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO» сайёраси.
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Шахс ва бахс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 6-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «АСК».
00.45 Тунги тароналар.
00.55 — 01.05 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи...»,
9.20 «Жозиба».
9.35 «Компьютер — Осиё».
9.55 Дубляж.
10.05 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».

***

18.00 «Дарахчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультдаста».
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Дилором наволар».
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 «Транспорт ва йўловчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мусиқий майдонча».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео янгиликлари.
21.30 Телесериал. «Ноғизо ва нощукурлар» туркумидан (Миср Араб Республикаси).
22.20 «Дарахчи».
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео—«О».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.15 — 21.45

*

21.45 Эълонлар.
21.50 «Жонли сайёра».
22.10 «Бир назар ташла». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.25 — 00.05

*

00.05 — 00.30 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Дарвоке».
9.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
10.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
10.35 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.05 «Жонли сайёра».
12.25 Эълонлар.
12.30 «Парле ву франсэ?» Француз тили ҳамма учун.
13.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал (Англия).
13.45 Эълонлар.
13.50 «Иштирок этувчилар».
14.20 Киносалон. Аль Пачино Брайн де Пальманинг «Чандиқли юз» фильмида.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
19.15 «Телеташриф».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Тавба-тазарру». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига.
19.35 «Оқ соя».
20.05 «Биз билан биргаликда куйланг». Мусиқий шоу.
20.45 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!».
21.15 Эълонлар.
21.20 Киносалон. Чарли Шин Оливер Стоуннинг «Взвод» фильмида.
23.30 Эълонлар.
23.35 «Мусиқий Олимп».
00.05 «Сенинг вақтинг»
00.35 — 00.45 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).